



## ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Аляминов Х.И.*

*Қорақалпоқ Давлат университети, Архитектура  
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.*

**Таянч сўзлар:** фаол тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, меҳнат бозори, инновацион янгилик, рақобатбардош маҳсулотлар.

**Ключевые слова:** активное предпринимательство, инновационное предпринимательство, рынок труда, инновационные инновации, конкурентоспособная продукция.

**Key words:** active entrepreneurship, innovative entrepreneurship, labor market, innovative innovations, competitive products.

**Резюме:** Мазкур мақолада ОТМ талабалари тадбиркорлик фаолиятини бошлашда нима нарсаларга аҳамият бериш кераклиги ҳақидаги, шунингдек, инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда эътибор қаратиш керак бўлган омиллар ёритиб берилди.

**Резюме:** В данной статье будет освещено, чему следует придавать значение студентам высших учебных заведений при начале предпринимательской деятельности, а также факторы, на которые следует обратить внимание в развитии инновационного предпринимательства.

**Summary:** This article will highlight what should be given importance to students of higher education institutions when starting entrepreneurial activities, as well as factors that should be paid attention to in the development of innovative entrepreneurship.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатларнинг иқтисодий ўсишини жадаллаштириш ва меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иқтисодий фаоллик билан қамраб олиш учун ишбилормонлик, инвестицион муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва эркин танланган тадбиркорлик фаолияти турларидан фойдаланиш ҳуқуқи қўллаб-қувватланмоқда. “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори тахнологиялар, илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи



галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим”- дея Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаган эди[1]. Бу эса Мамлакатимиз ОТМларида инновацион тадбиркорлик фаолиятни шакллантириш ва уни ишлаб чиқариш корхоналари билан корпоратив бирга ишлаш йўллари аниқлашда ўзига хос имкониятлар эшигининг очилиши, икки томоннинг яъний иш берувчи корхона билан бўлажак ишчининг талабалик давридан бошлаб корхона буюртмасини бажаришга қаратилган икки томон манфаатларини ҳисобга олиш механизмларининг ишлаб чиқилиши бугинги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

Корхоналарда инновацион янгиликларни ўз вақтида ва ўз ўрнида қўллаш харажатларнинг кескин камайишига ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим микроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишда инновацион янгиликлар яратишни ҳамда уларнинг амалиётда қўлланилиши жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Бутунлай инновацияга асосланган инновацион тадбиркорлик фаолиятининг натижаси янги маҳсулот ёки асосан янги тавсифлар ва хусусиятларга эга бўлган янги маҳсулот ёки янги технологиялар бўлиши мумкин. Шунингдек, бозорга анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг техник элементлари ёки ишлаб чиқаришдан товар сифати тавсифи ўзгариши билан боғлиқ қандайдир янги элементлари ёки усуллари қўллаш билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Янги ғояларни ишлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш тадбиркорликнинг энг муҳим, шу билан бирга, мураккаб вазифасидир, чунки бу ҳолда тадбиркордан нафақат ижодий фикрлаш ва янги ечимларни топиш, балки истиқболли фикрлаш, келажакда жамиятнинг эҳтиёжларини кўра олиш хусумиятларини ҳам талаб этади. Инновация- тадбиркорликнинг алоҳида қуроли, тадбиркорона фикрлашнинг инновацион кўриниши. Ҳар қандай инновацион фаолият тадбиркорликдир, чунки у янги ғояларни излаш; зарур ресурсларни излаш; корхонани яратиш ва бошқариш; моддий даромад олиш ва унинг натижасидан шахсан қониқишга асосланади.



Лекин, ҳар қандай тадбиркорлик ҳам инновацион бўла олмайди, фақатгина яратилиш натижасида тадбиркорлик даромадини, инновацион маҳсулотнинг диффузиясини ишлатишга имконият берувчиларнигина инновация дейиш мумкин. Инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар инновацион тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Миллий ва халқаро тажрибалардан маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жаҳатдан инновацион фаолиятга боғлиқ. Биноварин, иқтисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтироларнинг жорий этилиши эвазига ошади.

Тадбиркор бўлиш учун ёшлар тадбиркорлик соҳасида тўплаган бой тажрибадан хабарбор бўлиши, шунингдек, тадбиркор қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур: Ҳаққонийлик, компетентлик, мақсадга интилиш, янгилик яратишга ҳамда фаолиққа қизиқиш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, инсонларга ижобий қараш, тижорат ва молиявий фикрлаш, ватанпарварлик ва юксак маънавият эгаси бўлмоғи лозим.

Тадбиркор ўзида бизнес учун зарур бўлган инсоний фазилатлар ҳамда шароит етарли эканлигига ишонч ҳосил қилмоғи лозим. Самарали бизнес учун зарур бўлган инсоний фазилатлар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Етакчилик қобилияти;
- Мулоқатга кириша олиш санъати;
- Куч-қувват ва ишлашга ўзини мажбур эта олиш;
- Техника ва технологиялардан хабардорлик;
- Инсонлар билан мулоқатни ўрната олиш қобилияти.

Олий таълим муассасалари талабалари тадбиркорлик фаолиятини бошлашда нима нарсаларга аҳамият бериш кераклиги ҳақидаги маълумотлар билан таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўз шахсий бизнесини бошламоқчи бўлган талаба -тадбиркор кимлар учун товар(ёки хизматлар) ишлаб чиқаришини яхши билиши зарур. Шунингдек, қандай товар ишлаб чиқариш кераклигини ва бунинг учун қандай ишлаб чиқариш омиллари(капитал, хом ашё, ишчилар, бино ва ҳаказо) борлигини аниқлаши зарур. Бўлғуси тадбиркор ўз бизнесини очишда бозор иқтисодиётининг тамойилларидан фойдаланиши лозим. Улар қуйидагилар:

- биринчидан, маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш ва уни қондиришга ҳаракат қилиш. Тадбиркор фойда олиш мақсадида товар ишлаб чиқаради ва ўзгалар эҳтиёжини қондиради;



- иккинчидан, маҳсулотни нисбатан паст харажат сарфлаб, ишлаб чиқиши, аксинча, бозор уларни инкор этиши, натижада тадбиркор бу маҳсулотларни сота олмаслиги мумкин;

- учинчидан, тадбиркор ўз ишлаб чиқарилаётган ўз товарларига нарх белгилашда бозордаги рақобат истеъмолчиларининг талаби ҳамда бозорнинг тўйиниш даражасини инобатга олмоғи лозим.

Талаба-ёшларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш самарадорлигини ошириш кўп омилларга боғлиқ. Бундай омиллар сирасига Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохатларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолисининг моддий форовонлигини ошириш давлат сиёсати даражасидаги устивор вазифалардан саналади. Бу эса ўз навбатида ёшлардан ўз ишига собитқадамлик ва маъсулият билан ёндашишни талаб қилади. Чунки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёшлар муҳим ўрин тутади. Омиллардан яна бири ёшларни мактаб давридан бошлаб тадбиркорлик фазилатларини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини ошириш муҳимлиги давр талабларидан бири эканлигидадир.

А.А.Крилов тадбиркорлик фаолиятини илмий таҳлил этиб “Бозор муносабатларининг характерли жиҳатларидан бири –тадбиркорликдир. Тадбиркорлик бу- фуқаронинг қонунчилик доирасида, фойда олиш учун ўз жавобгарлиги остида таваккал қилишга йўналтирилган фаолияти” дея таъриф берган[2] ва уни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида: 1. давлат сиёсатининг хусусий бизнесга бўлган муносабати; 2. Омманинг маданияти ва унинг давлатга бўлган муносабати; 3. Бизнеси ташкил этишда психологик мадад бериш; 4. Тадбиркорнинг психологик қиёфасини ўрганиш муаммоси деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий эркинлаштириш шароитида талабаларда инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш мумкин:

1. Ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишда янги техникани жорий этиш;

2. Ўнги техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқишнинг техник даражасини кўтариш, ихтирочи ва рационализаторлар ижодини оммавий ривожлантириш;

3. Иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи ишлаб чиқаришнинг интенсив омили ролини ошириш;

4. Кичик ва ўрта тадбиркорлик тузулмалари инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;



5. Инновацион тадбиркорлик янги рационализаторлик йўналишларини топиш ва ресурсларни фойдали томонга йўналтириш, янги бозорни эгаллаш, янги маҳсулотлар яратиш зарур.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017-йил.22- декабрь, [http:// uz. uz/ documents/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning -o-22-12-20172](http://uz.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-o-22-12-20172).
2. А.А.Крылов. Психология: учебник/2-е изд., перераб.и.доп. М., 2011.752 ст
3. Шарипов Қ.Б. Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Т.: “АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ” нашриёти, 2020. 61 б
4. Жўраев Т.Т, Каландаров Р.А. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг реал секторини инновацион тараққиётини таъминлаш. Илмий-оммабоп рисола.- Т., 2019 йил., 52 б
5. Кирьяков А.Г, Максимов В.А. Основы инновационного предпринимательства. – М.: Феникс, 2002. – С. 160.
6. Аляминов. Х. И. (2023). Инновацион тадбиркорлик-шахс шаклланишида муҳим фактор сифатида. Quality of teacher education under modern challenges, 1(1), 77-81.